

“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 42 - сонли

БАЁННОМАСИ

2020 йил 29 сентябрь
соат 15-00

Тошкент шаҳар
Муқимий кўчаси, 43-уй

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони **3 654 580 355** дона. Жами овоз берувчи акциялар сони **3 760 644 287** дона. Йиғилиш кворуми **97,2** фоиз.

РАИСЛИК ҚИЛДИ

Н.Я.Хамроҳўжаев

Қатнашдилар:

Банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Кузатув кенгаши аъзолари: **Н.Я.Хамроҳўжаев, М.Д.Норгитов,**

Тафтиш комиссияси: **Ж.А.Абдураззоқов**

Банк Бошқаруви ва таркибий тузилмалари раҳбарлари: **Р.У.Маматкулов, Ш.Г.Расулов,
И.С.Аманов, А.О.Йўлдошов,
Ж.А.Саипов, А.С.Шеров,
Ш.Т.Очилов**

Банкнинг таркибий тузилмалари

Йиғилишни бошлашдан олдин, акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котибини сайлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан банк Кузатув кенгаши аъзоси Н.Хамроҳўжаев йиғилиш раиси этиб сайлаш таклиф этилди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси Н.Хамроҳўжаев - Банк акциядорлари умумий йиғилиши котиби этиб, Банк аппарати Ижро назорати бошқармаси мутахассиси Каримова Ирода Халиловна номзодини таклиф этди, таклиф бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси Н.Хамроҳўжаев - Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби билан таништирди. Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш акциядорлар томонидан бюллетень ва электрон овоз бериш хизмати (evote.uz) орқали бевосита ҳамда билвосита амалга ошириш мумкинлигини айтиб ўтди.

Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. Банк Кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк Бошқарувининг 2019 йил яқунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкнинг устувор вазифаларини тасдиқлаш.
5. Банкнинг 2019 йил фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини кўриб чиқиш.
6. Банкнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
7. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш.
8. Банкнинг 2020 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
9. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
12. Банк томонидан аффилиланган ва алоқадор шахслар билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Йиғилиш кун тартибдаги 1-масала:

Йиғилиш раиси Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибига банк Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги номзодлар тавсия этилганлигини маълум қилди:

Додокозиев Равшанбек Рустамович – Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи;

Мурадов Асқар Облабердиевич – Банкнинг Ахборот технологиялари департаменти Банк техникаси ва дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи;

Очилов Шухратилла Тоштемирович – Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи.

Йиғилиш кун тартибдаги 2-масала:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибдаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш қуйидаги регламентини таништирди:

Банк Бошқарувининг 2019 йил якунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда банкнинг устувор вазифалар юзасидан маъруза учун 30 дақиқагача, бошқа масалалар бўйича маъруза учун сўзга чиқувчиларга 10 дақиқагача вақт ажратилади.

Йиғилиш кун тартибдаги 3-масала:

Банк Кузатув кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи банк Кузатув кенгаши аъзоси – йиғилиш раиси Н.Хамроҳўжаев томонидан ўқиб эшиттирилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2020 йил 27 мартдаги 18-сон йиғилиш Баёни талабларидан келиб чиқиб, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши короновирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтмоқда.

Банк Кузатув кенгаши ўз фаолиятини Президент Фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда банк Устави ва “Банк Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларга мувофиқ амалга ошириб келмоқда.

Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иктисодий ислохотлар самарасини янада ошириш,

давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган 2019 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этишда Агробанк тизимининг молиявий мадади катта бўлди.

2020 йил 1 январь ҳолатига банкнинг умумий капитали 4 627 млрд. сўм, устав капитали 4 393 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йил бошига нисбатан мос равишда 2 420 млрд. сўм (2,1 марта) ва 2 230 млрд. сўм (2,0 марта)га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли (ПҚ-4487-сонли 01.10.2019 йил, ПҚ-4498-сонли 24.10.2019й.) қарорига мувофиқ банк устав капитали кўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан жами 2 230 млрд. сўмга оширилди.

Агробанк ўз инфратузилмаси билан мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олган бўлиб, ҳудудларда 170 та филиал, 180 та банк хизматлари марказлари ва 66 та махсус кассаси фаолият юритмоқда. Улар орқали 355 мингдан зиёд юридик ҳамда жисмоний шахсларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банк томонидан ўз фаолиятини илғор халқаро банкларнинг андозалари асосида ривожлантириб бориш, банкни янги босқичга кўтариш бўйича алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2019 йилдан бошлаб, банкнинг трансформация жараёнлари бўйича дастлабки тадбирлар амалга оширилди.

Хорижий банклар тажрибасини ўрганиш мақсадида, банк раҳбар ходимлари томонидан Туркия, Қозоғистон, Россия, Германия, Грузия, Хитой ва Ҳиндистон банкларига ташриф буюриб, ушбу нуфузли банкларнинг илғор тажрибалари ўрганиб қайтилди.

Хорижий экспертлар томонидан берилган тавсиялар асосида Бош офис таркибий тузилмаси оптимизация қилинди, хорижий амалиёт асосида Янгийўл филиалида ходимларнинг мажбуриятлари қайта тақсимланиб, намунавий филиалга айлантилди.

Хусусан, давлат дастурлари, қишлоқ хўжалиги йўналишлари алоҳида бўлимлар ташкил қилинди ҳамда хизмат кўрсатиш йўналиши фронт офис шаклида ажратилди.

Банкнинг стратегик бизнес-моделини ишлаб чиқиш учун жаҳонда етакчи консалтинг компаниялардан бири бўлган KPMG жалб этилди.

Шунингдек, ахборот технологиялари йўналишида масофавий банк хизматларини кенгайтириш (*мобиль ва интернет банкинг*), мижозлар билан муносабатларни бошқариш (*CRM*) ва кредитга лаёқатлиликни баҳолаш (*скоринг*) тизимини жорий этиш, ходимларни рағбатлантириш (*KPI*) ва инсон ресурсларини бошқариш (*HR*) тизимларини автоматлаштириш йўналишларида хорижий экспертлар билан ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, европанинг **Netinfo** компанияси билан масофавий банк хизматлари (ДБО) ривожлантириш ва **Террасофт** компанияси билан жисмоний шахслар учун автоматлашган кредит конвейерини жорий этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот даври мобайнида банк фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган жами **66 та йиғилиш ўтказилди** ва ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Банкнинг кредит, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби, эмиссия сиёсатлари ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари тасдиқланиб уларнинг талабларига катъий риоя қилиш бўйича банк Бошқарувига кўрсатмалар берилди.

Бошқарувнинг ҳамда Ички аудит департаментининг ҳисоботлари ҳар чоракда муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Кредит кўмитаси, Инвестиция, Таваккалчиликларни ҳамда Ликвидлиликни бошқариш кўмиталари ҳисоботлари, банкнинг 2019 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси ижроси ҳамда банк ликвидлиги борасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлар эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Банк Кузатув кенгаши 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларидан келиб чиқиб, Агробанкнинг банк фаолиятининг барча йўналишлари билан боғлиқ сиёсатлари, узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган Стратегияси, Бизнес-режа параметрларини бажарилиши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

Йиғилиш кун тартибидаги 4-масала

Банк Бошқарувининг 2019 йил якунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкнинг устувор вазифаларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботлари юзасидан Банк Бошқаруви раиси **Р.У.Маматкулов** томонидан ҳисобот берилди:

Бугунги йиғилишда, белгиланган вазифалар ижроси доирасида Агробанкнинг 2019 йил фаолият якунлари ҳамда банкни келгусида ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот бермоқчиман.

Энг аввало, банкда 2019 йилда амалга оширилган муҳим тадбирлар ҳамда асосий молиявий кўрсаткичлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман.

I. Банкнинг ресурс базаси ва ликвидлиги бўйича.

Банк мажбуриятларини самарали бошқариш орқали **барқарор ресурс базани шакллантириш** чоралари кўрилди.

Жумладан, филиалларда жалб қилинган ресурслар доирасида кредит ажратиш **дастурий назорати яратилди** ва узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш тизими жорий этилди.

2020 йил 1 январь ҳолатига жами депозитлар **5 349 млрд. сўмни** ташкил қилди. *2019 йил бошига нисбатан (2 553 млрд. сўм) 2 796 млрд. сўмга (210%) ўсди.* Узоқ муддатли депозитлар миқдори **3 253 млрд. сўм** ёки 60%га етказилди (*узоқ муддатли депозитлар 2 419 млрд. сўмга ўсган*).

Юридик шахслар депозитлари **3 400 млрд. сўмни** ташкил қилди ва *2019 йил бошига нисбатан (1 349 млрд. сўм) 2 051 млрд. сўм (252%)га ўсди.* шундан узоқ муддатли депозитлар миқдори **1 928 млрд. сўм** ёки 55%га етказилди (*узоқ муддатли депозитлар 1 531 млрд. сўмга ўсган*).

Жисмоний шахслар омонатлари **1 949 млрд. сўмни** ташкил қилди. *2019 йил бошига нисбатан (1 205 млрд. сўм) 745 млрд. сўм (162%)га ўсди.* Узоқ муддатли депозитлар миқдори **1 325 млн. сўм** ёки 68%га етказилди (*узоқ муддатли депозитлар 888 млрд. сўмга ўсган*).

2019 йилда аҳоли учун 5 та миллий, 2 та хорижий валютада универсал омонат турлари, (*Online Фаровон, Online Меъзон ва хорижий валютадаги Online Capital ва Online Express*) жорий қилинди.

2019 йил 4-чорагида Россия Федерацияси банклари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиб, **85 млн. доллар** миқдоридagi маблағлар (синдикат кредит) жалб этилди.

Ликвидлик кўрсаткичлари ижроси бўйича.

2020 йил 1 январь ҳолатига ликвидликни қоплаш меъёри **170,2 фоиз**, соф барқарор молиялаштириш меъёри **116,1 фоизни** ташкил этди.

II. Хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича.

Банк томонидан 2018 йилда **2 та** чет эл банкидан 30 млн. доллар миқдоридa маблағ жалб қилинган бўлса, 2019 йилда ушбу йўналишдаги ишлар тубдан жонлантирилди.

Натижада, **9 та** молия ташкилотидан жами **448 млн. доллар** миқдоридa маблағ жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу линиялар ҳисобидан 2019 йилда **100 млн. АҚШ доллари** ўзлаштирилди ва ҳудудлардаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Жумладан, саноат соҳасига – **83.4 млн. долл**, қурилиш соҳасига – **6 млн. долл**, хизмат кўрсатиш (*транспорт, логистика, тиббий хизмат*) – **3,5 млн. долл.** ва бошқа соҳаларга – **7,1 млн. долл.** миқдоридa кредитлар ажратилди.

III. Банк асосий кўрсаткичлари бўйича.

2020 йил 1 январь ҳолатига банк активлари жами **18,5 трлн. сўм**, мажбуриятлар **13,9 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2019 йил бошига нисбатан мос равишда 8,1 трлн. сўмга (*178%га*) ҳамда 5,7 трлн. сўмга (*170%га*) ошган.

Ҳисобот кунига активлар таркибидa **кредит қўйилмаларнинг** улушини 86 фоизни ташкил этди ва **жами 15,9 трлн. сўмни** ташкил қилди.



Қисқа муддатли – **3,4 трлн. сўм**;

Узоқ муддатли – **12,5 трлн. сўм**.

Миллий валютада – **13,1 трлн. сўм**;

Хорижий валютада – **3,8 трлн. сўм**.



2019 йилда банк томонидан иқтисодиётнинг турли йўналишларга жами **19,2 трлн.сўм**, шундан:

- тижорат кредитлари **10,6 трлн.сўм**ни;

- имтиёзли (*пахта ва галла*) кредитлари **8,5 трлн.сўм** кредитлар ажратилди.

2019 йилда банк капитали **4,6 трлн. сўмга** оширилди (*2019 йил бошига 2,2 трлн. сўмга нисбатан 2,4 трлн. сўм ёки 209%га ошган*).



Ўз.Р. Президентининг ПҚ-4487-сон қарори билан **1 940 млрд. сўм** (70 млн.долл ва 1275 млрд. сўм).

Ўз.Р. Президентининг ПҚ-4498-сон қарори билан **290 млрд.сўм**.

IV. Бизнес режа ижроси бўйича.

(млрд. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2019 йил режа	2019 йил амалда	Ижроси	
				сўмда	%
I	АКТИВЛАР	15 455	18 504	3 048	120%
II	МАЖБУРИЯТЛАР	13 204	13 876	673	105%
III	КАПИТАЛ	2 252	4 627	2 375	205%
IV	ДАРОМАДЛАР	2 207	3 451	1 244	156%
V	ХАРАЖАТЛАР	2 169	3 284	1 115	151%
VI	ФОЙДА	38	171	133	450%
	ROA (Return on Assets) - активлар рентабеллиғи	0,04%	1,2%	1,1%	2955%
	ROE (Return on Equity) - капитал рентабеллиғи	0,2%	5,0%	4,8%	2626%

Банк томонидан 2019 йилда амалга оширилган харажатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли Қарори ижроси юзасидан филиалларнинг бино ва иншоотларини замонавий кўринишга келтириш ҳамда банкдан ташқарида жойлашган инфратузилмаларини яратиш ва жорий таъмирлаш ишларига (248,2 млрд.сўм);

- ҳудудларда бошқарма ва филиаллар учун автотранспорт воситалари, аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банкоматлар, терминаллар, шунингдек дизел генераторлар (*электр энергияси таъминотини узлуксизлигини таъминлаш учун*) сотиб олишга (76,2 млрд. сўм)

- ходимларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида асосий воситалар, компьютер воситалари, сервер қурилмалари, оптик толали линияларни модернизация қилиш ишларига (80,3 млрд.сўм) йўналтирилган маблағларни ўз ичига олган.

Шунингдек, банк томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига ижтимоий томондан кўмаклашиш, туманлар инфратузилмасини яратишга кўмаклашиш мақсадларига жами 14 та ҳолатда 5,1 млрд. сўмлик ҳомийлик маблағлари ажратилди.

V. Банк трансформацияси бўйича.

Банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид қарор (01.10.2019й. ПҚ-4487) билан банк устав капиталининг **4,4 трлн. сўмга** етказилиши (*қўшимча 2,2 трлн. сўм*) банк молиявий барқарорлигини ва имкониятини оширди.

2019 йилда банкнинг трансформация жараёнлари бўйича дастлабки тадбирлар амалга оширилди.

1. Хориждаги ватандошлардан Дания “Сахобанк”ида ишлаган малакали мутахассис (Ш.Сидиков) банкка ишга жалб қилинди.

2. Банк фаолияти кўлами кенглигини инобатга олган ҳолда, **асосий 6 та йўналиш бўйича етакчи хорижий банклардан экспертлар (14 та) жалб этилди** (*Россия, Украина ва Қозоғистондан, чакана хизматлар, тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, банк рисклари, ликвидликни самарали бошқариш, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ва ахборот технологиясини ривожлантириш*).

3. Халқаро банк амалиёти асосида дунёқарашини ўзгартириш мақсадида 100 дан ошиқ банк ходимлари 6 та давлатда (*Туркия “Зираатбанк”и, Россия “Сбербанки”, Германия Ландесбанки, Грузия ТБС-банки, Хитой ва Ҳиндистон банклари*) тажриба оширди.

4. Банк филиалларда хизмат кўрсатишни замонавий хорижий банклар мисолида ташкил этиш учун ходимларни ўқитиш мақсадида тренерлар гуруҳи (6 та) жалб этилди.

Берилган тавсиялар асосида:

- **Бош офис таркибий тузилмаси оптимизация қилинди** (*Давлат дастурлари, Агросаноат комплекси ва бизнес йўналишлари ажратилди*).

Хорижий амалиёт асосида **Янгийўл филиалида** ходимларнинг мажбуриятлари қайта тақсимланиб, намунавий филиалга айлантирилди.

Хусусан, **давлат дастурлари, қишлоқ хўжалиги** йўналишлари алоҳида бўлимлар сифатида ташкил қилинди ҳамда хизмат кўрсатиш йўналиши **фронт офис** шаклида ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги, ҳам барча турдаги универсал банк хизматлари кўрсатишга ихтисослашган йирик банклар - “Рабобанк” (*Голландия*) ва “Зираатбанк” (*Туркия*) тажрибаларини ўрганилди ва йўналишлар белгилаб олинди.

Банкнинг стратегик бизнес-моделини ишлаб чиқиш учун жаҳонда етакчи консалтинг компаниялардан бири бўлган **KPMG жалб этилди** ва банкни трансформация қилиш учун мазкур компанияси билан ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқилмоқда.

Биринчи босқичда, KPMG компанияси банкнинг жорий фаолияти бўйича асосий (*SWOT таҳлил*) **кучли (Strong), заиф (Weak), унинг имкониятлари (Opportunity)** ва унга **таҳдидлар (Threat)** бўйича хулосаларни берди.

Ушбу хулосаларга асосланиб, KPMG компанияси билан биргаликда банк стратегиясида қуйидаги асосий йўналишларни белгилашни режалаштирилмоқда (*банкнинг янги бизнес моделида*).

Хусусан, давлат дастурлари молиялаштиришни давом эттирган ҳолда тижорат йўналишни ривожлантириш (*юридик шахслар ва чакана*), ҳудудларда етакчи банк бўлиш учун хизмат сифатини ошириш, миқдорларни гуруҳлаш (*сегментация қилиш*), ҳар бир сегментга мос бўлган шартлар асосида хизматларни таклиф қилиш, масофавий хизмат кўрсатиш каналларини ривожлантириш, операцион самарадорликни ошириш (*бизнес жараёнларни автоматлаштириш, бухгалтерияни марказлаш, ахборот технологияларни жорий этиш*).

Ушбу ишларни амалга ошириш учун албатта юқори малакага эга хорижлик мутахассисларни **жалб қилинди**.

Жумладан, Бошқарув раиси ўринбосари лавозимига (*хориждан арзон ресурслар жалб қилиш, сўмда хеджлаш орқали маблағ жалб қилиш, янги стратегияни юритиш*) - **Собиров Нодирбек** (*Дания Нордеа банки, 03.2020й.*), Ахборот технология (IT) йўналишида - **Зафер Сунжер** (*Туркия Зираатбанки, 02.2020й.*), Риск менежмент йўналишида - **Сарсембаев Багдад** (*ВТБ банк, Қозоғистон, 05.2020й.*) **жалб этилди**.

Ўқитиш ва тажриба алмашинуви бўйича Туркиянинг “Зираатбанки” (*Анқара ўқув марказида*) банк филиалларидан **85 та** раҳбар ходимларни ўқитилди.

“Зираатбанк” тажрибаси асосида ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича ишларини тизимли ташкил қилиш учун банкнинг **Тошкент вилояти биноси негизида Ўқув маркази ташкил этилмоқда**.

Хизмат кўрсатишни замонавий хорижий банклар мисолида ташкил этиш учун чет элдан **тренерлар гуруҳи жалб этилди**.

Дастлаб **32 та** намунавий филиалда, кейинчалик **170 та** филиалда замонавий хизмат кўрсатиш стандартларини жорий қилинмоқда (бу жараёнда ходимлар таркибидан **14 та бизнес тренер тайёрланди**).

IT соҳада мижозлар билан муносабатларни бошқариш тизими (*CRM-Customer Relationship Management, 5 570 минг доллар*), инсон ресурсларини бошқариш тизими (*HR-Human resources, 4 652,3 минг доллар*), Бизнес жараёнларни бошқариш - кредит конвейр тизими (*BRMS - Business rule management system, 2 500 минг доллар*), турли ахборот тизимларини бирлаштириш (*ESB шина дастури, 1 555 минг доллар*) лойиҳалари амалга оширилмоқда.

VI. Хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича.

Банк инфратузилмасида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳри ва ҳудудларда **108 та** замонавий **24/7**-автоматлаштирилган шахобчалари жорий қилинди.

Инфратузилма объектлари	Сони, (та)
Жами	1 028
- Филиаллар	170
- Банк хизматлари марказлари	180
- Махсус кассалар	66
- Халқаро пул ўтказмалар шахобчалари	289
- Валюта айирбошлаш шахобчалари	215
- Автоматлашган шахобчалар 24/7	108

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатини Агробанкнинг Янгийўл филиалида намунавий банк хизматларини кўрсатувчи муассаса ташкил этилди.

Бунда филиалнинг ташқи ёки ички кўриниши янгиланди ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ҳам тубдан ўзгартирилди. Яъни битта ходим мижозларга универсал банк хизматларини кўрсатади (мижоз ташириф буюрганда бир ходим томонидан кредит, депозит, валюта, пластик карталар орқали хизматлар кўрсатилади).

VII. Кредитлаш жараёнларини соддалаштириш бўйича.

Мижозларнинг кредитдан фойдаланишини қулайлаштириш учун модулли кредитлар жорий этилди:

Мижозлар	Кредит тури	фоизи
Жисмоний шахсларга	“Онлайн микроқарз”	24%
Юридик шахсларга	“Онлайн кредит”	21%
	“Экспортчиларга нақд пулда”	Мин21%
	“Револьвер”	маҳаллий и.ч 21%, дори-дармон 16%

Тадбиркорлик субъектларига “On-line” кредит.

Банк расмий веб саҳифаси ва “Банк мижоз” дастури ҳамда “Agrobank Mobile Business” мобил иловасидан фойдаланувчи хўжалик субъектлари учун

айланма маблағни шакллантириш учун масофавий қисқа муддатли **онлайн кредити** жорий этилди.

Онлайн кредит “Қарз олувчи”га қайта тикланадиган кредит линияси (револьвер) бўйича бир йил муддатга ҳар 30 кунда сўндириш шарти билан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармонида асосан **экспортёр корхоналар учун** банк хизматларидан фойдаланишда тариф имтиёзлари жорий қилинди.

№	Кўрсатиладиган хизмат турлари	Ўрнатилган тарифлар	Экспортёр корхоналар учун
1	Мижознинг барча ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш (<i>дебет айланма</i>)	0,5 фоиз	0,2 фоизи
2	Мижозлар ҳисоб рақамларидан нақд пул маблағларини бериш.	1 фоиз	0,5 фоизи
3	Биржа ва биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш.	0,3 фоиз	0,2 фоизи

Жисмоний шахслар учун:

- “Агро экспресс” миллий валютада пул ўтказма хизмати;
 - жисмоний шахслар учун эса “мультивалюта” карта (*бир картага бир вақтда сўм ва доллар ҳисобварақ очилади*) ва **Россиядан мобил илова орқали** пул ўтказмаларини қабул қилиш хизмати (*Сбербанк мобил иловаси орқали рубль Агробанкда очилган сўм пластик картасига автомат сўм шаклида ўтказилади*) жорий этилди.

Масофавий хизматлар:

Agrobank-mobile фойдаланувчилари сони	297 843
- Жисмоний шахслар	247 367
- Юридик шахслар	50 476
Юридик шахс миқозлар сони	291 747
- Фаолиятдаги юридик миқозлар	133 899
Интерактив хизматлардан фойдаланаётган юридик шахслар	88 517
- Agrobank-mobile-biznes	50 476
- Интернет банкинг	38 041
Юридик шахсларнинг интерактив банк хизматлари билан қопланиши	30%
- Фаолиятдаги юридик шахсларнинг интерактив хизматлар билан қопланиши	66%
Пластик карталар сони	2 535 500
- Мобил илова билан қопланиши	10%
Терминаллар сони	43 526
Банкоматлар сони	604
- Uzcard	400
- VISA	0
- Humo	120
Инфокиоска сони	420

2019 йилда пахта ва ғалла фермер хўжаликлари билан ёқилғи ва минерал ўғитлар етказиб берувчилар ўртасида ҳисоб-китоблар “Ҳумо” кредит карталари орқали ўтказиш жорий этилди.

Фермер хўжалиқларига 120 мингта махсус карталар берилди ва таъминотчи корхоналар шохобчаларига 1471 та тўлов терминаллар жойлаштирилди.

Бугунги кунда, барча агротехник (12 та) йўналишга тўловни битта карта орқали амалга ошириш бўйича тизим ишлаб чиқилди.

Фермер хўжалиқларига қулайлик яратиш мақсадида пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари учун кредит йиғмажилд ҳужжатларини электрон тарзда шакллантириш жорий этилди.

Банк миқозларига ўз ҳисобварақларидан “24 соат режими”да маблағларни ўтказиш имконияти яратилади.

VIII. “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури бўйича.

2019 йилда ижтимоий дастурлар доирасида аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг ишлар олиб борилди ҳамда ушбу йўналишда **1 837 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилди. Шундан:

(млрд.сўм)

Йўналишлар бўйича	сони	суммаси
Чорвачиликни ривожлантириш	31 252	612,7
Қуёнчиликни ташкил этиш	948	21,4
Балиқчиликни ташкил этиш	604	19,8
Паррандачиликни ташкил этиш	7 055	129,7
Асаларичиликни ташкил этиш	3 762	90,2
Мева-сабзавот қўчатлари ва экинларини етиштириш	2 383	41,3
Иссиқхона ташкил этиш	15 453	345,6
Тикувчиликни ташкил этиш	15 778	164,6
Хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш	13 138	212,3
Ҳунармандчиликни ташкил этиш	2 760	102,8
Бошқа йўналишлар	2 357	97,2
Жами	95 940	1 837,6

Мазкур кредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури (1 539 млрд. сўм), Фермер, деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (93,1 млрд. сўм), Бандликка кўмаклашиш жамғармаси (35,2 млрд. сўм), маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар (37,2 млрд. сўм), хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси (30,0 млрд. сўм), ҳунармандчилик ривожлантириш (102,7 млрд. сўм) маблағлари ҳисобидан йўналтирилди.

IX. Ташриф дастурлари ижроси ва лойиҳаларни ишга тушириш бўйича.

Ташриф баёнлари билан тасдиқланган дастурларга асосан 2 037 та 9 187 млрд. сўм (33 387 та иш ўрни), шундан кредит ҳисобидан 1 437 та 4 111 млрд. сўмлик (22 293 та иш ўрни) лойиҳалар мониторингга олинган (2019 йил кредит ҳисобидан 893 та 1 056 млрд. сўм (9 383 та иш ўрни).

1 149 та лойиҳага 2 437 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган (17 549 та иш ўрни) (2019 йил лойиҳалари ҳисобидан 774 та 931 млрд. сўм кредит ажратилган, 8044 та иш ўрни).

Шундан 1 050 та 1 413 млрд. сўмлик (12 135 та иш ўрни) лойиҳалар ишга туширилди.

Бугунги кунда жами 126 та 732,3 млрд. сўмлик лойиҳага кредитлар ажратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. (2020 йил - 99 та 303,3 млрд. сўм, 2021 йил - 23 та 413 млрд.сўм, 2022 йил – 4 та 15,9 млрд.сўм).

Дастурлардаги лойиҳаларни ишга тушириш бўйича.

Худудларни ривожлантириш дастурларига асосан 2017-2019 йиллар давомида 1 149 та лойиҳани амалга ошириш учун 2 040 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган (1 январь ҳолатига).

Сўнгги 2 йилда ҳудудий дастурларга мувофиқ ажратилган кредитлар ҳисобига лойиҳаларни ишга тушириш ҳолатини аниқлаш мақсадида тадбиркорлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳар бир лойиҳа хатловдан ўтказилди.

Олиб борилган ишлар натижасида 1 050 та 1 413 млрд.сўмлик лойиҳалар ишга туширилиши таъминланди.

Қолган 627 млрд. сўмлик 99 та лойиҳаларнинг ҳам тармоқ жадвалига асосан ишга туширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбир кўрилмоқда.

Х. Мурожаатлар бўйича.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижроси алоҳида назоратга олинган ва масалаларни ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида “Агробанк раисига мурожаат”  Телеграмм ва  Facebook ижтимоий тармоғлари ишга туширилган.

Натижада фуқароларнинг талабларини қисқа муддатда кўриб чиқиш ва ҳал этиш орқали Президент порталига мурожаатлар қисман камайтирилди.

Жумладан, “Телеграмм” (323 та) ва “Facebook” (3 179 та) орқали тушган жами 3 502 та мурожаатлар тезкорлик билан кўриб чиқилиб, 2 486 таси (71%) “ижобий” ҳал этилди, 1 015 та (29%) мурожаатчига “ҳуқуқий тушунча” берилди.

2020 йил 1 январь ҳолатига банк фаолияти юзасидан жами - 11 345 та (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 178 тага ошган) мурожаатлар келиб тушган, шундан, Президент виртуал қабулхонаси – 7 903 та (70%), Бош прокуратуранинг Ишонч телефони – 1 906 та (17%), Агробанк ва Марказий банк Ишонч телефони - 774 та (7%), вазирликлар ва тўғридан тўғри мурожаатлар - 762 та (7%).

Йўналишлар бўйича: кредит масаласида – 9 912 та (93 %). Шундан 6 863 та (60%) “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури бўйича, ш.ж. чорвачилик – 3 333 та (49%), паррандачилик - 474 та (7%), иссиқхона - 960 та (14%), тадбиркорлик йўналишида - 981 та (14,3%);

Нақд пул билан боғлиқ масалаларда - 77 та (0,7 %), ҳисобракамларидан пул маблағларини ўтказишда - 125 та (1,1 %), пластик карта ва терминал масаласида - 359 та (3.2%) ни ташкил этган.

Мурожаатлар таркибида 651 таси такрорий келиб тушган. Хусусан, кредит масаласида - 603 та (93%), 48 та банк хизматлари билан боғлиқ бошқа масалалар.

Президент виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 7903 та мурожаатнинг 621 таси (8%) қаноатлантирилган, 7077 тасига (90 фоизи) ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Ушбу йўналишда камчиликларга йўл қўйган 85 та масъул ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди, жумладан, 63 та ходимга “жарима”, 22 та ходимга “ҳайфсан” интизомий жазо чоралари кўрилди.

Бош вазир виртуал қабулхонаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси “business.gov.uz” ягона интратив портали жорий йил июль ойидан ишга туширилди.

2019 йилда виртуал қабулхона орқали 216 та мурожаат тушган (103 таси асосли, 103 таси асоссиз, 10 таси жараёнда, 83 таси жисмоний шахс, 133 таси юридик шахс), шундан 22 та (10%) “ижобий” ҳал этилди, 184 та (85%) мурожаатчига “ҳуқуқий тушунча” берилди, 10 таси ўрганиш жараёнида.

Мурожаатларнинг 149 таси “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури бўйича имтиёзли кредит, 47 таси тижорат кредити, 24 таси бошқа банк хизматлари юзасидаги мурожаатлар келиб тушган.

(Худудлар бўйича Бухоро 29 та, Самарқанд 27 та, Сурдарёда 26 та, Андижонда 25 та, Сурхондарёда 23 та, Наманганда 11 та, Навоий 10 та)

XI. Экспорт-импорт ва валюта операциялари бўйича.

Банк мижозларининг экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, чет эл валютасига оид операциялар бўйича мониторинг тизими жорий этилди.

Банк бўйича экспорт ҳажми 142,9 млн. АҚШ доллари (2018 йил 74,3 млн. АҚШ доллари, 68,6 млн. доллар ёки 1,9 мартага ошган).

Импорт ҳажми 197,3 млн. АҚШ доллари (2018 йил 78,9 млн. АҚШ доллари, 118,4 млн. доллар ёки 2,5 мартага ошган).

Хўжалик юритувчи субъектларга сотилган валюта 71,8 млн. доллар (2018 йил 38,4 млн. АҚШ доллари, 33,4 млн. доллар ёки 1,8 мартага ошган).

Валюта операциялари:

2019 йилда аҳолига сотилган валюта 82,8 млн. долларни (2018 йил 19,8 млн. АҚШ доллари, 63,0 млн. доллар ёки 4,2 мартага ошган), аҳолидан харид қилинган валюта 361,9 млн. долларни ташкил қилди (2018 йил 292,6 млн. АҚШ доллари, 69,3 млн. доллар ёки 1,2 мартага ошган).

Халқаро пул ўтказмалари:

2019 йилда халқаро пул ўтказмалари орқали аҳоли томонидан 946,3 млн. доллар қабул қилинган (2018 йил 811,6 млн. АҚШ доллари, 134,7 млн. доллар ёки 1,17 мартага ошган), аҳоли томонидан жўнатилган маблағ 40,0 млн.

долларни ташкил қилди (2018 йил 29,2 млн. АҚШ доллари, 10,8 млн. доллар ёки 1,37 мартага ошган).



ХII. Хусусий уй-жой ширкатлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари (боғча) бўйича.

Банк томонидан 2019 йилда 160 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларни жорий ва мукамал таъмирлаш учун 49,0 млрд. сўм кредит ажратиш параметрлари ишлаб чиқилиб, 62,2 млрд. сўмга (156 та ширкат) молиялаштириш очилди (46,6 млрд. сўм ўзлаштирилди).

Ҳисобот санасига ширкатларга ажратилган кредитлар қолдиғи 172,6 млрд. сўм, фоиз қарздорлик 4,5 млрд. сўм (жами ажратилган 183,5 млрд. сўм, сўндирилган 11 млрд. сўм).

2019 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2,1 млрд. сўм қарздорликлар қоплаб берилди (кредит асосий қарз 1,2 млрд. сўм, фоизлар 900 млн. сўм, вилоятлар – Қорақалпоғистон Рес 1 382 млн. сўм, Жиззах 211 млн. сўм, Сурхондарё 83 млн. сўм, Сирдарё 30 млн. сўм, Тошкент вил. 99 млн. сўм, Хоразм 319 млн. сўм қарздорликлар қоплаб берилди).

Кўп қаватли уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун 13 та пудратчи ташкилотга 148 млрд. сўм миқдоридан кредит линияси очилиб, қурилиш ишларига мувофиқ 140,2 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Уй-жойлар қурилишига ажратилган кредитлар қолдиғи 72,0 млрд. сўмни ташкил қилади (68,2 млрд. сўм ундирилган).

Қашқадарё вилоятининг 7 туманида давлат-хусусий шерикчилик асосида ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича банк масъул этиб бириктирилиб, 73 та таълим муассасасини ташкил этиш учун 88,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратиш дастури ишлаб чиқилди.

Ҳисобот кунига 53 та боғчага 52,9 млрд.сўм миқдоридан молиялаштириш очилиб, 52,3 млрд. сўм ўзлаштирилди.

5 мингта болани қабул қилишга мўлжалланган 43 та боғча фойдаланишга топширилган (36,5 млрд. сўм).

ХIII. Қишлоқ хўжалиги бўйича

Бугунги кунда Агробанкда хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликлари ҳамда кластерларнинг ер майдони 1 557 минг гектарни ташкил қилмоқда.

Шундан, ғалла майдони 1 077 минг ва пахта майдони 480 минг гектар.

Пахта майдони фермер хўжаликларидида 93 минг гектарни, кластерларда 387 минг гектарни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириши, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида*” 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли қарор (30 млн. доллар кредит ажратилиши) ижросини таъминлаш мақсадида 18 млн. доллар миқдоридида кредитлар ажратилди, шундан:

“Ўзагролизинг” АЖга қишлоқ хўжалиги техникалари учун 2019 йил август-ноябр ойларида жами 12 млн. доллар эквивалентида, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга айланма маблағларни тўлдиришга 10,0 млрд. сўм (1,1 млн. доллар), фермер хўжаликлари ва кластерларга қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга харид қилиш учун бошланғич тўлов учун 46,2 млрд.сўм (4,9 млн. доллар) ажратилди.

XIV. Пахта тўқимачилик кластерлари.

Агробанкда 2019 йилда 33 та (жами кластерларнинг 45%и) пахта тўқимачилик кластерларига хизмат кўрсатилган (*320 минг гектар ер майдони, 941 минг тонна хом-ашё*).

Ҳисобот даврида жами 2 914 млрд. сўм кредитлар ажратилди, шундан, пахта ҳосили етиштиришга 2 043 млрд. сўм, терим учун 662 млрд. сўм ҳамда айланма маблағларга 209 млрд. сўм.

Кластерлар томонидан 320,4 минг гектарда 1016 минг тонна пахта хомашёси етиштирилиб, режа 107,9 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик режадаги ўртача 29,4 центнердан ҳақиқатда 31,7 центнерга ошди.

<i>2018 йилда ҳосилдорлик 21,5 центнерни ташкил этган, 2307 минг тонна, 1071 минг гектар. 2019 йилда ҳосилдорлик 27,5 центнерни ташкил этган, 2845 минг тонна, 1034 минг гектар; Кластерлар б-ча ҳосилдорлик 30,0 центнерни ташкил этган, 2067 минг тонна, 690 минг гектар; Агробанк кластерлар бўйича жами ҳосилдорлик 31,7 центнерни ташкил этган, 1016 минг тонна, 320 минг гектар;</i>
--

2020 йилда кластерларнинг 40 та инвестицион лойиҳаларига жами 135 млн. доллар йўналтирилади:

- 15 та пахта тозалаш заводи қуриш, жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун 68 млн. АҚШ доллари;
- 10 та ип-йигирув фабрикаси учун 40 млн. АҚШ доллари;
- 3 та тўқув фабрикасини учун 12 млн. АҚШ доллари;
- 1 та бўяш цехи учун 2 млн. АҚШ доллари;
- 1 та тикув фабрикаси ташкил этиш учун 2 млн. АҚШ доллари;
- 10 та ёғ-мой заводи учун 11 млн. АҚШ доллари.

<i>Ишлаб чиқариши занжирини: 1. пахта тозалаш заводи; 2. ип-йигирув фабрикаси; 3. тўқув фабрикаси; 4. Бўяш фабрикаси; 5. тикув фабрикаси; 6. ёғ-мой заводи</i>
--

2020-2024 йилларда кластерларнинг занжирли ишлаб чиқаришларини ташкил этишда 120 та инвестицион лойиҳа учун 420 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилади.

XV. Муаммоли қарздорликларни ундириш бўйича.

2019 йил пахта ҳосили бўйича:

2019 йил пахта ҳосили учун **10,8 мингта** фермер хўжаликларига **2 трлн. 11 млрд. сўм** имтиёзли кредитлар ажратилди (*жами пахтага ажратилган 4054 млрд. сўм, кластерлар 4115 млрд. сўм*).

Якуний ҳисоб-китоблардан **1 трлн. 926 млрд. сўм** кредитлар сўндирилиб, **83,9 млрд. сўм** кредитлар қопланмасдан турибди.

Муаммога айланган 83,9 млрд. сўм кредитлардан **14,9 млрд. сўми** суғурта товони ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, **69,0 млрд. сўм** кредитларни сўндириш мақсадида иқтисодий судларга даъво аризалари киритиш ва мажбурий ундирув орқали кредитларни қайтариш чоралари кўрилмоқда.

2017-2018 йил пахта ҳосили:

2017-2018 йилда пахта етиштиришга берилган (*6376 млрд. сўм*) кредитлардан **754 млрд. сўми (12%)** қайтарилиши муаммога айланган ва кўрилган тадбирлар натижасида **468 млрд. сўм** ундирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 октябрдаги 857-ф фармойишига асосан давлат бюджети ҳисобидан воз кечилган маблағлардан 247,1 млрд. сўм имтиёзли кредитлар қопланди. (*фаолиятдаги 1068 та хўжаликда 39,5 млрд. сўм қарздорлик мавжуд*).

Қалампир етиштиришга ажратилган кредитлар:

Хориж тажрибаси асосида аччиқ қалампир етиштириш учун **2018 йилда жами 206 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилган.

- тадбиркорларга - 143,5 млрд.сўм, - фермер хўжаликларига - 63,4 млрд.сўм.
--

Шундан **84 млрд. сўм** ундирилиб, табиий офат, сув танқислиги ва ҳосил йиғиб олинмаслиги сабабли **122,5 млрд. сўм** кредитлар муаммога айланди.

муаммоли кредитлар:

2020 йил 1 январь ҳолатига жами муаммоли кредитлар қолдиғи 29,0 млрд. сўмни (*10455*) ташкил қилган (*муддати ўтган – 23,6 млрд.сўм 10 444 та, суд жараёни – 5,4 млрд. сўм 11 та*). Йил бошига нисбатан **4,9 млрд. сўмга қисқарган.**

(млн. сўм)

Кўрсаткич	2019 йил 1 январь	2020 йил 1 январь	Фарқи	
			сўм	%
Жами муаммоли	33 938	29 049	-4 889	86%
<i>Фермер хўжаликлари</i>	<i>9 942</i>	<i>13 690</i>	<i>3 748</i>	<i>138%</i>
<i>Бошқа йўналишлар</i>	<i>23 996</i>	<i>15 359</i>	<i>-8 637</i>	<i>64%</i>

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, бўш раҳбар лавозимларни ўз вақтида бутлаш мақсадида ходимларнинг сифатли захира таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 2020 йилнинг 1 январь

ҳолатига захира таркиби кўрсаткичи 100 фоизга шакллантирилди.

Ҳисобот санасига банкнинг **39 нафар** раҳбар ва захирадаги ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарув академияси, Корпоратив илмий таълим маркази (Олий бизнес мактаби) ва Банк-молия академияларида таълим олаётган. бўлса, **124 нафар** академия битирувчилари банкда ишлаб келмоқда.

Ҳисобот даврида ходимларнинг малакасини ва билим даражасини ошириш мақсадида банкнинг **8 383 та** ходими *малака ошириш курслари ва семинарлари*га жалб қилинди.

Хусусан, **408 та** раҳбар ва мутахассис ходимлар *республика ўқув марказларида*, **7 975 та** ходим эса *Агробанк минтақавий ўқув марказларида* ташкил этилган тренинг-ўқувларида малакасини оширди.

Банк фаолиятида келгусида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ишлар амалга оширилади.

2. “Агробанкнинг корпоратив трансформацияси ҳамда 2020 йилда устувор йўналишларга кредит ажратиш режаси” тақдироти ва барча йўналишлар ўз ичига олган “йўл харита”сида белгиланган топшириқлар ижроси бажарилиши таъминланади.

3. KPMG компанияси билан биргаликда банк фаолиятини ҳамда хизмат кўрсатиш тартибини етакчи хорижий банклар тажрибасига асосан йўлга қўйиш мақсадида 5 йиллик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилади.

4. “KPMG” компанияси тавсияларини инобатга олиб, қуйидаги 3 та йўналиш бўйича “Бошқарув менежментини такомиллаштириш”, “Риск менежменти”, “IT - (CRM, HR, кредит конвейр, шина, BI)” йўналишларида имплементацион (*жорий этувчи*) компанияларни жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилади.

6. Банк трансформацияси ва банк хизматлари оммабоплигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) биргаликда ишлар ташкил қилинади.

7. Банк ахборот тизимларининг самарали ишлаши, банк талабларига мослиги, янги хизмат турларини жорий этиш салоҳиятини баҳолаш ҳамда уларга боғлиқ рискларнинг мавжудлиги юзасидан IT аудит ўтказиш мақсадида PWC (PriceWaterhouseCoopers) халқаро консалтинг ва аудиторлик компанияси ишлар олиб борилади.

8. Банкда чакана хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, интерактив хизматлар, пластик карталар ва терминаллар орқали

амалиётларни кенгайтириш ва такомиллаштириш, янги хизмат турларини жорий қилиш ва кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

9. Банк вакиллик ҳисобварағи ликвидлигини таъминлаш, узоқ муддатли ва барқарор ресурс базасини шакллантириш мақсадида банк депозитлари структурасини муддатлари бўйича мақбуллаштириш, мажбуриятларни муддати ва манбаалари жиҳатидан диверсификациялаш бўйича ишлар давом эттирилади.

10. Аҳоли омонатлар бўйича аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиб бориш, узоқ муддатли янги омонат турларини жорий қилиш ва рекламаларни банкнинг интернетдаги веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва юқори рейтингли оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш чоралари кўрилади.

11. Банк филиаллари молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида банк филиалларини молиявий соғломлаштириш юзасидан аниқ чораларни кўриш орқали банк даромадлиги ва фойдалигини ошириш;

- банк активлари, жумладан кредит портфели таркибида мавжуд муаммоли қарздорликларни жорий йилнинг якунига қадар сўндирилишини таъминлаш;

- ундириш имкони бўлмаган ва “умидсиз” таснифланган кредитлар, хусусан тугатилган фермер хўжалиklarининг умидсиз кредитларини белгиланган тартибда баланснинг кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказиш;

- банк фойдасига чиқарилган ва суд ижросига қаратилган барча активлар, шу жумладан кредитларни ундириш бўйича мажбурий ижро бюроси бўлинмалари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилади.

12. Ҳукумат дастурлари доирасида аграр комплексни молиявий қўллаб-қувватлаш, саноатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжалиklари ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилади.

2020 йилда ўз олдимизга қўйган вазифа ва режаларни амалга ошириш учун мавжуд салоҳиятимиз ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, йил якуни бўйича Агробанк фаолиятига ижобий баҳо берилишига Сизларни ишонтирамыз.

Йиғилиш кун тартибидаги 5-масала:

Банкнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссияси аъзоси **Ж.А.Абдураззоқов** ҳисоботни таништирди:

Юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий коидаларга мувофиқлигини таҳлил қилинди.

Банкнинг молиявий-хўжалик, банк фаолиятига белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, белгиланган параметрларга риоя қилиниши кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган текширувлар режа-графикка асосан банк филиалларида ички аудит текширувлари ўтказилганлиги қайд этилди.

Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш Бош офиснинг банк аппарати тузилмаси томонидан амалга оширилади. Унда банк фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган қарорлар ва унга илова қилинган чора-тадбирлар ижроси қатъий назоратга олинган. Ҳисобот ва хулоса илова қилинади.

Йиғилиш кун тартибидаги 6-масала:

Банкнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори **А.Йўлдошов** томонидан ҳисобот берилди:

Банк активлари 18 487,9 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг таркибида даромад келтирадиган активлар 16 042,7 млрд. сўмни ёки жами активларнинг 86,8 фоизини, даромад келтирмайдиган активлар эса 2 445,2 млрд. сўмни ёхуд жами активларнинг 13,2 фоизини ташкил қилди.

Банк мажбуриятлари 13 860,8 млрд. сўмни, капитали эса 4 627,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йилида банкнинг жами даромади 3 492,9 млрд. сўмни, жами қилинган харажатлари эса 3 322,2 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, соф фойда 170,7 млрд. сўмдан иборат бўлди.

Олинган даромаднинг 2 267,1 млрд. сўмини ёки 64,9 фоизини фоизли даромадлар, 374,7 млрд. сўмини ёхуд 35,1 фоизини фоизсиз даромадлар ташкил қилган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоизли даромадлар 1 242,7 млрд. сўмга ёки 121,3 фоизга ошди, фоизсиз даромадлар эса 851,1 млрд. сўмга ёки 227,1 фоизга ошган.

Амалга оширилган харажатларнинг 1 540,3 млрд. сўмини ёки 46,4 фоизини фоизли харажатлар, 846,5 млрд. сўмини ёки 25,1 фоизини фоизсиз харажатлар, 723,3 млрд. сўмини ёки 21,3 фоизини операция харажатлар, 212,2 млрд. сўмини ёки 6,4 фоизини эҳтимолий йўқотишларга қарши захира харажатлари ташкил қилган.

Ўтган йилга нисбатан фоизли харажатлар 1 024,0 млрд. сўмга ёки 198,4 фоизга ошган бўлса, фоизсиз харажатлар 672,5 млрд. сўмга ёки 418,8 фоизга кўпайган. Харажатларнинг 212,2 млрд. сўмини ёки 6,4 фоизини даромад солиғини баҳолаш харажатлари ташкил қилган.

Яқунланган 2019 йил бўйича банк филиаллари баланси асосида олинган жами 259,5 млрд. сўмлик фойда ва 88,8 млрд. сўмлик зарарлар умумлаштирилганда олинган 170,7 млрд. сўмлик соф фойда миқдори ўзгармаган ҳолда, филиалларнинг тегишли даромад ва харажатлари қайта тақсимланди.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида амалга оширилаётган тадбирларга қарамадан, ўтган 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иқтисодий меъёрлар ва меъерий ҳужжатлар талаблари бузилиши натижасида банкка нисбатан жами 1 457,0 млн. сўм миқдорида жарима қўлланилди.

Мазкур жарима санкцияларини қўлланилишида айбдор бўлган банк масъул ходимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилган.

Банкнинг ҳисобот йилдаги молиявий фаолияти “Deloitte and Touch” халқаро аудиторлик компанияси томонидан ташқи аудит текширувидан ўтказилди ва молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса олинди.

Йил якунланганидан сўнг банк филиалларида 2019 йилга тааллуқли бўлган 41 696,7 млн. сўм харажатлар амалга оширилган, шунингдек, 648,8 млн. сўм жорий йилда олдинги йилда ҳисобланиши лозим бўлган даромадлар аниқланган бўлиб, банкнинг якуний соф фойдаси 129 624,8 млн. сўм ҳамда тақсимланмаган фойда (банкнинг ўтган йил тақсимланмаган фойдаси) 4 303,3 млн.сўм жами 133 927,8 млн. сўмни банк Кенгаши қарорига мувофиқ қўйидагича тақсимлаш таклиф этилмоқда:

- Умумий захира жамғармасига – 6 481,2 млн. сўм ёки 5,0 %;
- "Стандарт" активларнинг захира жамғармасига – 123 143,6 млн.сўм ёки 95,0%.

Бунда, банкнинг бир дона имтиёзли акциясига солиқларни инобатга олмаган ҳолда 292,0 сўм ёки номинал қийматиغا нисбатан 25 (йигирма беш) фоиз миқдорида йиллик дивидендлар “Умумий захира жамғармаси” ҳисобидан тўлаб берилиши 2020 йил 29 ноябрга қадар ўрнатилган тартибда пул маблағлари шаклида тўлаб берилади.

Йиғилиш кун тартибидаги 7-масала:

Банкда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини йиғилиш раиси Н.Хамрохўжаев таништирди:

Банкда 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “Balans-Inform-Audit” МЧЖ томонидан ўтказилиб, 2020 йил 7 сентябрда ҳисобот ва хулоса тақдим этилди.

Тақдим этилган хулосасига кўра банкда Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “юқори” бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида 1 035 балл, яъни 86 фоизни ташкил этган.

Йиғилиш кун тартибидаги 8-масала:

Банкнинг 2020 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган энг

кўп ҳақ миқдорини белгилаш юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори **А.Йўлдошов** эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 43-моддаси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 109-моддаси, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ва банк Устави ҳамда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан банк фаолиятини ҳар йили МҲХС бўйича мажбурий тарзда мустақил халқаро ташқи аудиторлик компанияси томонидан аудит текширувидан ўтказилиши кўзда тутилган.

Шуларни ҳисобга олиб, ташқи аудит хизматидан фойдаланиш мақсадида Республикада фаолият кўрсатаётган халқаро аудиторлик компанияларига мурожаат этилди ҳамда уларнинг таклифлари олиниб, “Банкнинг товарлар ва хизматларни харид қилиш комиссияси” томонидан ўрганиб чиқилиб, “Deloitte va Touche” халқаро аудиторлик компаниясининг аудит хизматидан фойдаланиш тўғрисида таклиф киритилди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, банкнинг 2020 йил фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказилишини таъминлаш мақсадида “Deloitte va Touche” халқаро аудиторлик компанияси 1 100 000 000,0 (Бир миллиард бир юз миллион) сўмдан (ҚҚСсиз) ошмаган миқдоригача шартнома тузиш таклиф этилади.

Йиғилиш кун тартибидаги 9-масала:

Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси **Н.Хамроҳўжаевнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 июндаги 02/02-29-36/672-сонли хат билан “Агробанк” АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишларида сайлаш учун банк Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1.	Хайдаров Аҳадбек Яҳёбекович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
2.	Рустамов Эркин Эркамович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудирининг биринчи ўринбосари
3.	Дарвишев Нурбек Муратович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи

4.	Абдуллаев Шухрат Сагдуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари-бошқарма бошлиғи
5.	Рузиев Фазлиддин Киранович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, бошқарма бошлиғи
6.	Маматкулов Илхом Абдурашидович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, департамент директори
7.	Мирзаев Тўлқин Эшқобилович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи
8.	Хамроҳўжаев Нёъматжон Яхёхонович	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарма бошлиғи-мустақил номзод
9.	Dimitri Danilenko (Димитри Даниленко)	Maddox Consultancy, London, UK/Luxembourg Senior Principal Consultant) - мустақил номзод

Тақдим этилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” Қонунининг 36-моддасига Марказий банк билан келишилиши белгиланган. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2020 йил 10 июлдаги 27-15/379-сонли розилик хатлари олинган.

Банк Уставига мувофиқ банк Кузатув кенгаши аъзолари 9 кишидан иборатлиги белгиланган.

Йиғилиш кун тартибидаги 10-масала:

Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси **Н.Хамроҳўжаевнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан акциядорлар томонидан банк Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар кўрсатилган:

1. Маманов Илхом Ахматович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари-бошқарма бошлиғи.
2. Нарзикулов Темур Малик Мухиддин ўғли - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи.
3. Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.

Банк Уставига мувофиқ банк Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборатлиги белгиланган.

Йиғилиш кун тартибидаги 11-масала:

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Юридик департаменти директори **Ж.А.Саиповнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунидаги Кузатув кенгаши аъзоларига талаблардан келиб чиқиб, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банк акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 24 июндаги 33-сонли қарори билан банк томонидан 2016 йил 1 июлдан бошлаб “Корпортив Бошқарув Кодекси”га риоя қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилашда банк бошқарув органи хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллаш белгиланганлиги банк Кузатув кенгаши таркибига хорижий малакали мутахассислардан мустақил аъзо киритилишини тақозо этмоқда.

Банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзосини моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Шунга кўра, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомини қўшимча ва ўзгартиришларни инобатга олиб киритиш, янги таҳрирда тасдиқлашни таклиф этамиз.

Йиғилиш кун тартибидаги 12-масала:

Банк томонидан аффилланган ва алоқадор шахслар билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш бўйича Юридик департаменти директори **Ж.А.Саипов** маъруза қилди:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига кўра жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-бобига кўра аффилланган шахслар билан

тузиладиган битимни (битимларни) маъқуллаш жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Қонуннинг 88-моддасига кўра жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 91-моддасига мувофиқ жамият ва аффилиланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида жамият кузатув кенгашининг ёки акциядорлар умумий йиғилишининг олдиндан қарор қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра, банк томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битим (битимлар) тузилиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш таклиф этилади.

Йиғилиш раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини билдирди ва акциядорлардан кун тартибига киритилган масалалар юзасидан овоз беришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – **3 654 580 355** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.
2. Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – **3 654 580 355** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.
3. Банк Кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – **3 654 580 355** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.
4. Банк Бошқарувининг 2019 йил яқунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкнинг устувор вазифаларини тасдиқлаш.
Тарафдорлар – **3 654 505 109** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.
5. Банкнинг 2019 йил фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини кўриб чиқиш.
Тарафдорлар – **3 654 505 109** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

6. Банкнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.

Тарафдор - **702 826 004** овоз, бетараф - йўқ, қарши - **2 951 678 352** овоз.

7. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – **3 654 504 356** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

8. Банкнинг 2020 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Тарафдорлар – **3 654 504 356** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

9. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Т/р	Ф.И.Ш.	Овозлар сони
1.	Хайдаров Аҳадбек Яҳёбекович	3 654 504 356
2.	Рустамов Эркин Эркамович	3 654 504 356
3.	Дарвишев Нурбек Муратович	3 654 504 356
4.	Абдуллаев Шухрат Сағдуллаевич	3 654 504 356
5.	Рузиев Фазлиддин Киранович	3 654 504 356
6.	Маматкулов Илхом Абдурашидович	3 654 504 356
7.	Мирзаев Тўлқин Эшқобилович	3 654 504 356
8.	Хамроҳўжаев Неъматжон Яҳёхонович	3 654 504 356
9.	Dimitri Danilenko (Димитри Даниленко)	3 654 504 356

10. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Т/р	Ф.И.Ш.	Овозлар сони
1.	Маманов Илхом Аҳматович	3 654 504 356
2.	Нарзикулов Темур Малик Мухиддин ўғли	3 654 504 356
3.	Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли	3 654 504 356

11. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Тарафдорлар – **3 654 504 356** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

12. Банк томонидан аффилланган ва алоқадор шахслар билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш.

Тарафдорлар – **3 654 504 356** овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

Овоз бериш натижаларига кўра акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи, комиссия раиси.

- Мурадов Асқар Облабердиевич - Банкнинг Ахборот технологиялари департаменти Банк техникаси ва дастур таъминотларига хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

- Очиллов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

2. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин (*1-илова*).

3. Банк Кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи (*2-илова*) тасдиқлансин.

3.1. Банк Кузатув кенгаши зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, омонатчилар, кредиторлар ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банкнинг активлари, мажбуриятлари ва 2020 йил Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда банк Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чорақда банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

4. Банк Бошқарувининг 2019 йил яқунлари бўйича ва банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкнинг устувор вазифалари тўғрисидаги ҳисоботлари (*3-илова*) тасдиқлансин.

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармонида белгиланган вазифалар;

- “Агробанк” АТБнинг корпоратив трансформацияси ҳамда 2020 йилда устувор йўналишларга кредит ажратиш режаси” тақдироти ва барча йўналишлар ўз ичига олган “йўл харита”сида белгиланган топшириқлар ижроси;

- KPMG компанияси билан биргаликда банк фаолиятини ҳамда хизмат кўрсатиш тартибини етакчи хорижий банклар тажрибасига асосан йўлга қўйиш мақсадида 5 йиллик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишлар ижроси;

- “KPMG” компанияси тавсияларини инобатга олиб, қуйидаги 3 та йўналиш бўйича “Бошқарув менежментини такомиллаштириш”, “Риск менежменти”, “IT - (CRM, HR, кредит конвейр, шина, BI)” йўналишларида имплементацион (*жорий этувчи*) компанияларни жалб қилиш бўйича ишлар ижроси;

- Банк трансформацияси ва банк хизматлари оммабоплигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) биргаликда ишлар ташкил қилиш;

- Банк ахборот тизимларининг самарали ишлаши, банк талабларига мослиги, янги хизмат турларини жорий этиш салоҳиятини баҳолаш ҳамда уларга боғлиқ рискларнинг мавжудлиги юзасидан IT аудит ўтказиш мақсадида PWC (PriceWaterhouseCoopers) халқаро консалтинг ва аудиторлик компанияси ишлар олиб бориш;

- Банкда чакана хизматлар қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, интерактив хизматлар, пластик карталар ва терминаллар орқали амалиётларни кенгайтириш ва такомиллаштириш, янги хизмат турларини жорий қилиш ва қўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш;

- Банк вакиллик ҳисобварағи ликвидлигини таъминлаш, узоқ муддатли ва барқарор ресурс базасини шакллантириш мақсадида банк депозитлари структурасини муддатлари бўйича мақбуллаштириш, мажбуриятларни муддати ва манбалари жиҳатидан диверсификациялаш бўйича ишларни давом эттириш;

- Аҳоли омонатлар бўйича аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиб бориш, узоқ муддатли янги омонат турларини жорий қилиш ва рекламаларни банкнинг интернетдаги веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва юқори рейтингли оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш чоралари кўриш;

- Банк филиаллари молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида банк филиалларини молиявий соғломлаштириш юзасидан аниқ чораларни кўриш орқали банк даромадлилиги ва фойдалилигини ошириш;

- банк активлари, жумладан кредит портфели таркибида мавжуд муаммоли қарздорликларни жорий йилнинг якунига қадар сўндирилишини таъминлаш;

- ундириш имкони бўлмаган ва “умидсиз” таснифланган кредитлар, хусусан тугатилган фермер хўжалиklarининг умидсиз кредитларини белгиланган тартибда баланснинг кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказиш;

- банк фойдасига чиқарилган ва суд ижросига қаратилган барча активлар, шу жумладан кредитларни ундириш бўйича мажбурий ижро бюроси бўлинмалари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тегишли ишлар олиб бориш;

- Ҳукумат дастурлари доирасида аграр комплексни молиявий қўллаб-қувватлаш, саноатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжалиklари ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлар амалга ошириш.

5. Банкнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин (*4-5 иловалар*).

5.1. Банк Бошқарувига Тафтиш комиссияси хулосасида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилсин.

6. Банкнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.

6.1. Банкнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимооти акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишларида кўриб чиқиш учун қолдирилсин.

6.2. 2019 йил якунлари бўйича банкнинг имтиёзли акциялари учун захира фондидан дивидендларни тўлаш ва муддатларини белгилаш банк Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилсин.

7. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси бўйича мустақил баҳоловчи ташкилотининг ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин (*6-илова*).

8. “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил фаолиятини МҲХС бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун амалдаги қонунчиликка асосан “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси тасдиқлансин.

8.1. “Deloitte va Touche” аудиторлик компанияси билан аудиторлик хизмати учун 1 100 000 000,0 (Бир миллиард бир юз миллион) сўмдан (ҚҚСсиз) ошмаган миқдоригача шартнома тузиш банк Бошқарувига юклатилсин.

9. Банк Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Хайдаров Ахадбек Яхёбекович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари;

- Рустамов Эркин Эркамович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудирининг биринчи ўринбосари;

- Дарвишев Нурбек Муратович - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи;

- Абдуллаев Шухрат Сағдуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари-бошқарма бошлиғи;

- Рузиев Фазлиддин Киранович - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, бошқарма бошлиғи;

- Маматкулов Илхом Абдурашидович - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, департамент директори;

- Мирзаев Тўлқин Эшқобилович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи;

- Хамроҳўжаев Неъматжон Яхёхонович - мустақил номзод, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарма бошлиғи;

- Dimitri Danilenko - мустақил номзод, Maddox Consultancy, London, UK/Luxembourg, Senior Principal Consultant.

10. Банк тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги янги таркибда тасдиқлансин:

- Маманов Илхом Ахматович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, департамент директорининг биринчи ўринбосари-бошқарма бошлиғи;

- Нарзикулов Темур Малик Мухиддин ўғли - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи;

- Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бўлим бошлиғи.

11. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми қўшимча ва ўзгартиришлар билан бирга янги таҳрирда тасдиқлансин (7-илова).

12. Банк томонидан аффилиланган ва алоқадор шахслар билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар руйхати 8-иловага мувофиқ маъқуллансин.

13. Мазкур йиғилиш қарорларининг бажарилишини таъминлаш банк Бошқарувига топширилсин.

14. Мазкур йиғилиш қарорлари ижросининг назорати банк Кузатув кенгашига юклатилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш раиси _____ **Н.Я.Хамроҳўжаев**

Йиғилиш котиби _____ **И.Х.Каримова**

2020 йил “___” октябрь

Бошқарув раиси _____ **Р.У.Маматкулов**

**Юридик департаменти
директори** _____ **Ж.А.Саипов**